

ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ

Худойберган Девонов 1878 йилда Хива шахрида туғилган. Унинг отаси Нурмуҳаммад девон аввал Қадам ясовулбошининг котиби бўлиб, Бодирхон кишлоғида катта мулкларга эгалик қилган. Кейинроқ Хўжайлининг ҳокими бўлиб, Хива хонлигида яхшигина мавқега эга инсонлардан эди. Худойберган дастлаб, эски мактабда таълим олди, 1889 йилдан соатсоз устага шогирд тушади. 1901 йилдан эса немис менонитларидан Вильгельм Пеннер билан танишиб,



ундан фотоаппарат воситасида сурат олиш ҳунарини ўргана бошлайди. Худойберган Девонов 1903 йилда Полвонниёз ҳожи Юсупов билан бирга Москвага бориб, соатсозлик ва зарур фото асбоб-анжомларини олиб келади. 1907 йилнинг сўнгги ойларида Исломхўжа бошлиқ хивалик элчиларнинг Петербургга қилган сафарларида фотограф сифатида қатнашади. Петербургда бир неча ой қолиб, кинооператорлик касбини эгаллайди. 1908 йил баҳорида ватанига “Патэ” киноаппарати, бир неча фотоаппарат ҳамда граммофон билан қайтади. Шу йили Худойберган Девонов Хивада Ўрта Осиёдаги биринчи фото-кинолабораторияни ташкил этади. У шу вақтдан бошлаб фото ва кино ишлари билан мунтазам шуғулланади. Унинг «Халқ сайиллари» деб номланган биринчи кинолавҳаси ҳам тахминан шу йилларда суратга олинган. Ушбу кинолавҳада аср бошларида Хоразм хонлиги худудларида яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ миллатларига мансуб кишиларнинг маданий ва маиший-этнографик ҳаёти манзаралари тасвир этилган. Унда ўтган аср бошларидаги инсонларнинг қиёфалари, кийим-кечаклари, фаэтон аравалари, кураш тушишлари, дорвозлик, хўроз ва ит уриштириш сингари миллий ўйин ва томошалари тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Ўз санъатига ошифта бўлган кинооператор шу йилларда Урганч, Хива, Тошсоқа, Тошҳовуз, Хўжайли, Тўрткўл сингари шаҳар ва туманларни кезиб, шу манзилларнинг диққатга сазовор жойларини, аҳолининг

деҳқончилик ишларини кинотасмаларда муҳрлашга интилган. “Қўлбола кинотеатрлар”да намоёиш этилган бу кинолавҳалар томошабинларда зўр таассурот қолдириб, уларда янги санъат – кинематографияга катта қизиқиш уйғотган.

Айтиш мумкинки, 1908 йилда Россияда “Понизовая вольница” ёки “Стенка Розан и княжна” деган илк кино асар экран юзини кўрганида Х.Девонов аллақачон ўз даврининг муҳим воқеаларини кино тасмасига тушириб улгурган эди.

1910 йил 7 августда Муҳаммад Раҳимхон II вафот этгач, Хива тахтини унинг ўғли Асфандиёрхон эгаллайди. 1912 йил Асфандиёрхон Россияга қилган сафарига Х.Девоновни олиб кетди. У 1913 йилда илк бор Туркистон шаҳарлари бўйлаб ижодий сафарга чиқди ҳамда “Хива ва хиваликлар”, “Ўрта Осиё меъморий бойликлари”, “Туркистон кўринишлари” сингари қисқа метражли ҳужжатли фильмларни яратади. Х.Девонов ижодий меросининг катта қисмини замондошларининг суратлари ташкил этади.

Худойберган Девонов 1916 йилда Хива хонининг мустабид зулмига қарши халқ кўзғалони вақтида “Ёш хиваликлар” сафига киради. 1917 йилда Асфандиёр хондан ҳуррият олиб, Мажлис ташкил қилинганда у Мажлисга ҳақиқий аъзо бўлиб сайланади. 1920 йилда Хоразмда биринчи қурултой томонидан Давлат назорати нозири, 1921 йил бошида Хоразм Халқ Совет Республикаси қоғоз корхонасига бошлиқ, 1922 йилнинг июль ойида Хорижий ишлар комиссари этиб тайинланди. 1923 йил Москвада очилган Қишлоқ хўжалик виставкасига Хоразм бўлимини уюштириш учун юборилади. ХХСР III қурултойида Х.Девонов молия нозири этиб тайинланади. Унинг “тежалган 1 тийин 1 сўмни, тежалган 1 сўм эса хазинага 10 сўмни олиб келади. Агар биз биринчи бўлиб танга пулни чиқара бошласак, бошқа республикалар ҳам бизга эргашишга мажбур бўлишади” деган эди. Хоразм республикасининг мато ва қоғозга босилган пуллари билан бирга “ХХСР” – “ХНСР” тамғаси босилган танга-чақа пуллари ҳам зарб этила бошлади. Х.Девонов Хоразм республикаси 1924 йилда Ўзбекистон

Республикаси таркибига киритилгунига қадар Молия нозири, сўнгра 1926 йилга қадар Хоразм округи молия бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилади. Аини пайтда фотограф ва кинооператор сифатидаги фаолиятини ҳам давом эттиради. Х.Девонов Хоразм Республикасининг “Меҳнат” ордени билан тақдирланган эди.

1925 йилда Тошкентда киностудия ташкил этилиши билан у таклиф этилади ва унга Хоразм воҳасида рўй бераётган воқеаларни суратга олиш



вазифаси топширилади. Кўп ўтмай, Москвадаги “Совкино” кинобирлашмаси ҳам Х.Девонов билан ижодий алоқа ўрнатиб, уни студиянинг Ўрта Осиё бўйича мухбири этиб тасдиқлайди. 1928 йил 3 августда Хоразмда Х.Девонов туғилган куннинг 50, ижодий фаолиятининг 25 йиллиги кенг нишонланган. Шу муносабат билан Хоразм округ Ижроия қўмитаси, Округ маориф шўъбаси ва Округ сиёсий онг-билим шўъбасининг унга йўллаган табрикномасида “миллий чегараланишдан аввал таълим-тарбия техникумида хусусий фотограф шўъбаси очиб, 13 та ишчи-деҳқон йўқсуллар болаларига фотограф илмини ўргатгани”, “ўз ёнида сақлаб, бир неча шогирдларни етиштиргани”, “улуғ байрамларни, муҳим экин маъракаларини картинага олиш билан шуғуллангани” ва бошқа ишлари қайд этилган. Худойберган Девоновнинг ташаббуси билан, Хоразм мактабларида фотография фан сифатида ўқитила бошлади. Шунинг натижаси ўлароқ шу йилларда Хоразмда истеъдодли ёш фотографлар авлоди етишиб чиқди.

Х.Девонов 20-йиллар охири – 30-йиллар аввалида нафақат Ўзбек давлат киноси, балки “Союзкиножурнал”нинг ижодий буюртмаси билан ҳам Хоразм

ҳаётига оид бир қатор сюжетларни суратга олди. Х.Девонов шу имкониятлардан фойдалиниб, “Союзкиножурнал” учун 1929 йилнинг ўзида “Ишчи аёллар”, “Шўркўл”, “Кўза”, “Чиғир”, “Тузкон”, “Дегиш офати”, “Хоразм далаларида”, “Пахта карвони” сингари ҳужжатли фильм ва сюжетларни суратга олиб юборди. Шундай ҳужжатли кино намуналаридан бири “Шўркўл” фильми Хоразмдаги шифобахш суви билан машҳур бўлган масканга бағишланган. Айни пайтда “Ўзбекистанская правда” (ҳозирги “Правда Востока”), “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) ва “Инқилоб кўеши” сингари нашрларнинг фотомухбири сифатида ҳам жонбозлик кўрсатди. У 1932 йилдан Хива район фото бўлими мудирини бўлиб ҳам ишлаган. 1936 йил 23 апрелда Хоразм вилоят ижроқўми томонидан унинг 35 йиллик фотография соҳасидаги хизматлари инобатга олиниб, Х.Девонов шахсий нафақага тавсия этилади. 1936 йил 25 июлда шу тавсиянома асосида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев Худойберган Девоновга 500 сўм миқдорида шахсий нафақа белгилаш ҳақидаги қарорга имзо чекади.

Х.Девонов фаолияти ўрганилган айрим изланишларда унинг қамоққа олинган куни деб 1937 йил 30 ноябрь санаси кўрсатилган. Аслида бу тўғри эмас. Хоразм округ ИИХК бўлими бошлиғи Калмиков томонидан Х.Девонов Хива хони министрининг ўғли, Муҳаммад Раҳимхон, Асфандиёрхонларнинг фотографи, ХХРнинг Молия ноziри бўлган аксилинқилобчи унсур деб ЎзССР ЖКнинг 66 – моддаси билан айбланиб 1937 йил 17 август куни қамоққа олинган эди. Шу куни унга тегишли Янги Урганч шаҳри, Ленин кўчаси, 18-уйда Отаниёз Шокиров, Ҳасан Читқаровлар гувоҳлигида тинтув ўтказилади ва уйдан кўплаб ҳужжатлар, китоблар ва ёзишмалари олиб кетилади. Шунингдек, эртаси 19 август куни Хива шаҳри, 4-маҳалладаги уйда ҳам тинтув ўтказилиб, унда Х.Девоновнинг турмуш ўртоғи Бекажон ва Карим Отажоновлар холис сифатида имзо қўйишган. Уйдан Х.Девоновга тегишли 90 варақдан иборат ёзишмалар, 230 дона фотосурат ва қўшотар ов милтиғи олиб кетилган.

1937 йил 18 август куни ўтказилган илк сўроқда Х.Девоновдан ижтимоий келиб чиқиши, отаси, оила аъзолари турмуш ўртоғи Бекажон Отажоновна (56 ёш) ўғли Машарип Худойберганов (40 ёш) опаси Энажон Девонина (70 ёш) ва синглиси Ўғил Девонина (41 ёш) лар ҳақида сўрайди.

1937 йил 8 сентябрь куни Урганч шаҳрида ўтказилган сўроқ Х.Девоновнинг ХХР ҳукуматидаги фаолиятига қаратилди. Унинг ХХР ҳукуматида Хорижий ишлар бўйича нозир, Молия ножири бўлган вақтидаги фаолияти ва Бекжон Раҳмон, Миркомил Миршаропов, Турғунпўлот Қирғизбоев, Отамахсум Ахунов қабила билан муносабатлари, Жунаидхонинг Хивага хужуми масалаларини сўрайди. Мақсад уни аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида фош этиш эди. Бироқ, Х.Девонов Хоразм худудида ҳеч қачон “Иттиҳод ва тараққий” номидаги ташкилот бўлган эмас дейди. Хуллас, тинимсиз сўроқ саволлар ортидан ҳеч бир натижага эриша олмаган бўлсада, 1937 йил 22 сентябрь куни ЎзССР МИК Президиумининг қарори билан Х.Девоновнинг шахсий нафақаси 1937 йил 1 сентябрдан бекор қилинди.

Хоразм округ ИИХК Х.Девоновни 1937 йил 25 ноябрда Тошкентга этап қилишга қарор чиқаради. Шундан сўнгги сўроқлар Тошкенда давом эттирилади.

1937 йил 16 декабрь куни Тошкентда ўтказилган сўнгги сўроқда Худойберган Девон қатъий тарзда ўзининг ҳеч қачон аксилинқилобчи бўлмагани, жосулик қилмаганини таъкидлайди. Х.Девоновнинг сўроқ жараёнида тинимсиз қийноқлардан сўнг соғлиғини бутунлай йўқотади. 1938 йил 19 январдан Х.Девонов камерада сақлаш мумкин эмас деган тиббий маълумотнома асосида “Яланғоч”даги палатали лагерга юборилади.

Худойберган Девоновнинг айблов баённомасида унга инглиз жосуси Жунаидхон билан алоқада бўлган, 1934 йилдан бошлаб Файзулла Хўжаев ва Давлат Ризаев раҳбарлик қилган аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида инглиз разведкаси фойдасига жосулик иши билан шуғулланган қаби кўплаб айбловлар қўлланди. 1938 йил 5 октябрь куни соат 10 35 дан 10

55 гача давом этган машъум “учлик” суди Х.Девоновни олий жазога ҳукм этган. Ҳатто, суднинг сўнгги қарорида Х.Девоновнинг ўзига қўйилган айбларнинг бирортасини тан олмагани, Ф.Хўжаевга тақдим этган 30 суратидан унинг жосуслик мақсадида фойдаланганлигидан хабари йўқлигини айтгани ҳам акс этган. Иккинчи ҳужжатда эса Х.Девоновни отув 4 октябрь куни тунда амалга оширилган ёзилган. У ҳолда 5 октябрь куни “учлик” кимни суд қилган деган савол ҳамон ўз жавобини кутмоқда?

1956 йил 18 октябрь куни Бибижон Нурметова ЎзССР Олий Совет раиси Ш.Рашидовга ариза ёзиб, акаси Худойберган Девоновнинг тақдири тўғрисида сўрайди. 1958 йил 28 мартда Хива шахри, НКВД кўчаси 40-хонадондан Бекажон Отажонова СССР Олий Совети раиси Ворошилов номига ариза йўллаб турмуш ўртоғи Х.Девоновнинг тақдирини билишда ёрдам беришини сўрайди. Шундан сўнг Х.Девоновнинг ишини қайта кўриб чиқиш ишлари бошлаб юборилади. 1958 йил 19 июл қайта сўроқда Матрасул Юсупов: Х.Девоновни 1922 йилдан шахсан таниганман. 1924-25 йилларда унинг фотография тўғарагига қатнаб шогирд тушиб хунарини ўрганганман. У ажойиб инсон эди. 1937 йил 15 августда ҳам шу гапларни айтгандим, лекин менинг номимдан ёзилган бу сўроқ баённомаларини энди ўқидим. Имзо меники у вақтда ўқиш учун беришмаганди, мен ҳам рус тилини тушунмас эдим, имзола деди имзолаганман” дейди.

1959 йил 25 июнда СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси Х.Девонов ишини кўриб уни оқлаган. Қизиғи Бекажон Отажоновага мазкур хабарни етказишга борган кимсалар суҳбатда яна Х.Девоновнинг 1937 йилда МТЛга ҳукм этилгани ва 1940 йил 15 августда жазони ижро этиши жараёнида касаллиги туфайли вафот этганини ҳақида ёлғон гапларни айтишади. 1959 йил 30 июл куни Х.Девоновнинг турмуш ўртоғи Бекажон Отажонова Давлат Хавфсизлик Қўмитасига раҳбариятига мурожаат этиб, 1937 йил август ойида Х.Девоновнинг Урганчдаги уйида ўтказилган тинтув вақтида Х.Девонов томонидан ёзилган “Фотография ҳақида” деб номланган китобининг ҳам олингани ва уни қайтаришларини сўрайди. Китоб қайтарилмади, бироқ, 1959

йил 4 сентябрда ЎзССР Молия министрлиги томонидан Бекажон аяга барча зарарларини ҳисоблаб 401 сўм 50 тин миқдорида пул беришади.

1962 йил 5 май куни ЎзССР ФА Ҳамза номидаги санъатшунослик институти директори Ф.М.Кароматов ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги КГБ раиси Г.Ф.Наймошин номига хат ёзиб, институт маъмурияти номидан кичик илмий ходим Ҳамидулла Акбаровга Х.Девонининг шахсий иши билан танишишга рухсат сўрайди ва шундан сўнг биринчи ўзбек киномотографи, фотограф Х.Девонов фаолиятини илмий ўрганиш иши бошлаб юборилди.

1977 йил 20 декабрь санаси билан ЎзССР КГБ раисига Х.Девоновнинг набираси Абдулла Юсупов ариза билан мурожаат этади. Унда Урганчдаги энг яхши кинотеатр бобоси номида экани, айти пайтда Хивада тарихий мемориал музей очилаётгани ва Х.Девонов ҳақида хужжатли фильм олинаётганини маълум қилади. Шунингдек, ўзининг Х.Девоновнинг 100 йиллик (1979) юбилейига Тошкентда фото виставкага тайёргарлик кўраётгани ва бобосининг туғилган кунини аниқлашда ёрдам сўрайди...

Манба: Б.Ирзаев, Ю.Раҳмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби(114-121бет)